Бозорга кираётанда ўқиладиган дуо

09:58 / 16.01.2019 3670

Ассалому алайкум! Қадрли устозлар, устозимиз Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳни бир видио марузаларида бир дуони айтганлар. Шуни тўлиғлигича ёзиб жўнатишингизни илтимос қиламан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким бозорга кираётиб ла илаха лилолоҳу вахдаху... қолганини жўнатишингизни сўраб қоламан.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом!

عَنْ عَبْدِ اللهِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ دَخَلَ السُّوقَ فَقَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ، يُحْيِي وَيُمِيتُ، وَهُوَ حَيٌّ لَا يَمُوتُ، بِيَدِهِ الْخَيْرُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، كَتَبَ اللهُ لَهُ أَلْفَ أَلْفِ حَسَنَةٍ، وَمَحَا عَنْهُ أَلْفَ أَلْفِ سَيِّئَةٍ، وَرَفَعَ لَهُ أَلْفَ أَلْفِ دَرَجَةٍ» «وَبَنَى لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ». وَفِي رِوَايَةٍ: «وَرَفَعَ لَهُ أَلْفَ أَلْفِ دَرَجَةٍ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Умар [розияллоҳу анҳу](#)дан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Ким бозорга кирганда «Лаа илааҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду, юҳйи ва юмийту ва ҳува ҳайюн лаа ямуту, биядиҳил хойр ва ҳува алаа кулли шайъин қодийр» деса, [Аллоҳ](#) унга миллионта ҳасана ёзади ва ундан милион ёмонликни ўчиради ҳамда уни миллион даражага кўтаради», дедилар».
Бошқа бир ривоятда:
«Уни миллион даражага кўтаради» ўрнига «унга [жаннат](#)дан бир уй қуради», дейилган.
Термизий ривоят қилган. ("Ҳадис ва Ҳаёт" китобидан). Валлоҳу аълам!